

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ГУЛСАРА БАҲОДИР ҚИЗИ

**COVID-19 ГА ЧАЛИНГАН ОРГАНИЗМЛАР ФАОЛИЯТИ ТИКЛАНИШ
ДАВРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедова Гулсара Баходир қизи
COVID-19 га чалинган организмлар фаолияти тикланиш даврининг
физиологик механизмлари..... 3

Ахмедова Гулсара Баходир қизи
«Физиологические механизмы в период восстановления организма после
COVID-19» 21

Akhmedova Gulsara Bakhodir kizi
Physiological mechanisms during the recovery of period organisms after
COVID-19 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 43

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ГУЛСАРА БАҲОДИР ҚИЗИ

**COVID-19 ГА ЧАЛИНГАН ОРГАНИЗМЛАР ФАОЛИЯТИ ТИҚЛАНИШ
ДАВРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/553 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зарипов Бакридин

биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Қурбонов Шониёз Қурбонович

биология фанлари доктори, профессор

Атабеков Нурмат Сатиниязович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация химояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.02.08 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети биология факультети биноси 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2023 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

З.Т. Ражамуродов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

М.С. Кузиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари бўйича фалсафа доктори

Х.Қ. Ҳайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунга келиб, дунёда COVID-19 келтириб чиқарган пандемия шароитида ўткир респиратор инфекциялар ўз долзарблигини йўқотмаган бўлиб, барча касалликлар ўртасида инфекция патология таркибида биринчи ўринни эгаллайди. 2019-2022 йилларда дунёнинг 221 давлатида жами 650 млн нафар беморларда коронавирус инфекцияси аниқланган, улардан 6,65 млн нафари вафот этди. Ўзбекистонда жами бўлиб 248 минг беморда коронавирус аниқланиб, уларнинг 1637 нафари вафот этди¹. COVID-19 бутун дунёда кенг тарқалганлигини ҳисобга олиб, организмларнинг касалликдан соғайгандан кейинги физиологик кўрсаткичлар динамикасини тадқиқ қилиш физиология фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, ҳудудларда коронавирус этиологияси, физиологияси, клиник ва физиологик хусусиятлари ва ундан тикланиш давридаги жараёнлар аҳамиятини комплекс тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19 келтириб чиқарган пандемия натижасида SARS CoV-2 вирусининг касаллик патогенези, этиологияси, инсонларнинг нормал физиологик фаолиятига таъсири, вируснинг турли хил штаммлари, вакцинация муаммолари ҳамда касалликдан кейинги тикланиш жараёнида турли асоратларнинг олдини олиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, COVID-19дан кейин организмлар фаолиятининг тикланиш даврида клиник-биокимёвий ва физиологик кўрсаткичлари, уларнинг саломатлиги ҳолатини таҳлил қилиш, ҳаётий зарур органлар кўрсаткичларида четланишлар кузатилишини аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда касалликка қарши самарали курашиш мақсадида, профилактика ва касалликдан кейин организмлар фаолиятининг тикланиш даврида ёш ва жинсга боғлиқ клиник-биокимёвий ва физиологик кўрсаткичлар динамикасини аниқлаш, улардаги кардиореспиратор тизими кўрсаткичлари асосида баҳолаш, кардиоваскуляар тизимининг функционал фаоллигини таҳлил қилиш, касаллик олдини олиш, профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғломлаштириш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, COVID-19дан кейин организмлар фаолиятининг тикланиш даврида клиник-биокимёвий ва физиологик кўрсаткичларидаги ўзгаришларни аниқлаш, ёшга ва жинсга боғлиқ ҳолда динамикасини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ <https://ourworldindata.org/coronavirus-data> (07.12.2022 й. ҳолатида)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январда Ф-5537 сонли «Ўзбекистон Республикасига коронавирус касаллиги кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш» тўғрисидаги Фармойиши³ ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. COVID-19 билан касалланган одамлардаги патогенези ва этиологияси, кўпгина физиологик ҳолатлар қон босими, қон томирлар тонуси, электролитлар мувозанати, муҳим ҳаётий тизимлар яъни, буйрак, юрак, мия ва бошқа аъзоларнинг турли ўзгарувчан шароитларда адаптацион функциялари тўғрисидаги маълумотлар Zhao Y. (2020), Wiersinga W. J. (2020), Huang X. (2020), Han H, Yang L, Liu R. (2020), Goshua G, Pine AB, Meizlish ML, Chang CH, Zhang H. (2020), Dani M. (2021), Al-Jahdhami I., Al-Naamani K., Al-Mawali A. (2021) ва бошқа чет эл олимларининг ишларида келтирилган.

МДХ мамлакатларида касалликдан кейинги организм компенсацион реакцияларининг бузилиши, юрак қон томир, қандли диабет ва унинг асоратлари, семириш ва метаболик синдромини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар Щелканов М.Ю., Попова А.Ю., Дедков В.Г., Акимкин В.Г., Малеев В.В. (2020), Петрищев Н. Н., Халепо О. В., Вавиленкова Ю. А., Власов Т.Д. (2020), Максимилиан А. (2020), Иванов М.Б., Шустов Е.Б., Литвинцев Б.С., Рейнюк В.Л., Фомичев Сосюкин А.Е. (2020) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистон шароитида COVID-19 физиологияси профилактикаси, даволашга оид кўрсатмалар, патогенетик хусусиятлари бўйича маълумотлар Туйчиев Л.Н., Алматов Б.И., Матназарова Г.С. (2020), Улмасова С.И., Атабеков Н.С., Касимов И.А., Шомансурова Ш.Ш. (2020, 2021), Мусабоев Э.И., Рахимов Р.А., Шарапов Б.М. (2019, 2021), Байжанов А.К., Хикматуллаева А.С., Ибадуллаева Н.С. Саматова И.Р., Жуманов Б.А. (2021) ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида келтирилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» Фармойиши

Бироқ олиб борилган тадқиқотларда COVID-19 дан кейинги тикланиш давридаги физиологик кўрсаткичлар динамикаси, моддалар алашинуви регулятор генларидаги полиморфизмларга доир маълумотлар берилмаган. Шу нуқтаи назардан олганда, ортиқча вазн, моддалар алмашинуви жараёнининг бузилишлари сурункали касалликни ривожланишини оширишини ҳисобга олиб, пост-COVID-19 даврида организм тикланиш давридаги физиологик кўрсаткичларни тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Био-01/1-2021 «COVID-19 физиологияси ва ундан тикланишнинг физиологик хусусиятлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19дан кейин организмлар физиологик фаолиятининг тикланиш даврида клиник ҳамда функционал, қоннинг биокимёвий, биоимпеданс кўрсаткичлари динамикаси, ADRB2 ва FABP2 генларидаги полиморфизмни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 дан кейинги даврда клиник белги ва функционал кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

COVID-19 ва ундан кейинги даврда гематологик кўрсаткичлардаги ўзгаришларни аниқлаш;

COVID-19 дан кейинги тикланиш даврида қонда қанд миқдори ва унинг тана вазн индекси билан корреляцион боғлиқлигини баҳолаш;

COVID-19 дан кейинги тикланиш даврида биоимпаденсометрик кўрсаткичларни аниқлаш;

COVID-19 дан кейинги даврда ADRB2 ва FABP2 регулятор генларидаги полиморфизм, мутацион ўзгаришларни аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида COVID-19дан тузалган инсонлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети COVID-19дан тузалган организмлар фаолиятининг тикланиш давридаги ёш ва жинсга боғлиқ клиник-биокимёвий, антропометрик, биоимпаденсометрик кўрсаткичлари, моддалар алмашинуви регулятор генларининг молекуляр-генетик полиморфизми (ПЗР) таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар бажарилишида физиология, биокимёда кенг қўлланиладиган центрифугалаш, антропометрик, клиник-лаборатория, биокимёвий, гематологик, сўровнома, молекуляр-генетик анализ учун РТ-ПЗР ҳамда ретроспектив таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 да лейкоцитопения, тузалгандан кейин лейкоцитларнинг ўртача 26% га, моноцитларнинг касаллик даврига нисбатан 4 марта ошгани, тикланиш даврида эозинопения аниқланган;

COVID-19 дан кейинги даврда қондаги қанд миқдори 10%га ошгани, паст зичликдаги липопротеинлар ХС ПЗЛП 1,6 марта юқорилиги, касалликнинг оғир турини ўтказганларда юқори зичликдаги липопротеинлар ХС ЮЗЛП назоратга нисбатан 1,5 марта камайганлиги аниқланган;

COVID-19 дан кейинги тикланиш даврида касалликнинг оғир турини ўтказганларда организмдаги умумий липид ва висцерал ёғ миқдори 1,4 марта, асосий моддалар алмашинуви оғиш даражаси 18,5% га ошганлиги аниқланган;

COVID-19 дан кейинги даврда моддалар алмашинуви регулятор гени ADRB2 даги Arg16Gly полиморфизмида Gly/Gly мутацияли генотиплилар 47,82 %ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан 3,6 марта кўп эканлиги аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Коронавирус касаллигидан кейинги тикланиш даврида тана массасининг индекслари, висцерал ёғ миқдори, асосий моддалар алмашинувининг оғиш даражалари, ADRB2 генидаги Arg16Gly полиморфизмининг юқорилиги ҳамда касалликдан кейин келиб чиққан эозинопения организм иммун тизимини кучайтириши асосланган;

COVID-19 дан кейинги даврда қоннинг гематологик кўрсаткичлари, моддалар алмашинувида боғлиқ ҳолда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари, қонда қанд миқдорининг тана вазн индекси билан корреляцияси, биоимпедансометрик кўрсаткичлар ҳамда ADRB2 ва FABP2 регулятор генларидаги полиморфизмлар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий биофизик-биокимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Назорат ва тажрибада олинган ўртача қийматлар орасидаги фарқ Стьюдент t-тести, Фишер мезони бўйича ҳисобланди ва қийматлар фарқининг статистик ишончлилиги $P < 0,05$ даражасида ифодаланди, натижалар тахлили ва расмларни чизиш OriginPro 2017 (OriginLab Pro) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19дан кейинги даврда гематологик кўрсаткичлар ва моддалар алмашинуви регулятор генларида полиморфизмлар, тикланиш даврида қондаги қанд миқдори, тана вазн индексининг корреляцион муносабати ва турли ёш гуруҳларида тикланиш давридаги кўрсаткичларнинг ўзгариши хусусиятлари очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон шароитида коронавирус касаллигидан кейинги физиологик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар мавжудлиги аниқланганлиги, олинган натижаларга кўра даволаш

ва профилактика чоралари олиб бориш организм фаолиятининг тикланиш даври муддатини тезлаштириш ва асоратсиз тикланиш учун чора- тадбирлар ташкил этишга тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

COVID-19 га чалинган организмлар фаолияти тикланиш даврининг физиологик механизмлари и бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Биоимпаденсометрия усулида аниқланган асосий моддалар алмашинуви кўрсаткичлари Навоий вилояти Олтинсой санаторийси - соғломлаштириш муассасасида, тана вазн индекси ва унинг қондаги қанд миқдори билан корреляциясига оид илмий натижаларидан Бухоро вилояти Ғиждувон ТТБда тикланиш оғир ўтаётган беморларни даволашда, COVID-19дан кейин биокимёвий таҳлил натижалари Навоий шаҳри 4-оилавий поликлиника фаолиятида амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 22 сентябрдаги 08-29075 - сон маълумотномаси). Натижада тикланиш даврида танада умумий липид, висцерал ёғ миқдори, асосий моддалар алмашинуви ва унинг оғиш даражаси кўрсаткичлари аниқланган ҳамда касалликдан самарали тикланиш имконини берган;

COVID-19га чалинган организмлар фаолияти тикланиш даврида асоратланган гипергликемия ҳолатларининг таҳлили ва таъсир механизмлари VetVittles компаниясининг мақсадли илмий тадқиқотида фойдаланилган (VetVittles компаниясининг (АҚШ) 2021 йил 10 октябрдаги маълумотномаси). Натижада тикланиш давридаги организм функционал кўрсаткичларини коррекциялаш мақсадида фойдали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини берган.

COVID-19дан кейинги тикланиш даврида қоннинг асосий биокимёвий кўрсаткичлари ҳамда асоратларнинг ривожланиш динамикаси Навоий вилоят СЭО ва ЖС бошқармаси, Иммунопрофилактика бўлими, тиббиёт муассаларида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 6 сентябрдаги 04/2-11-203-сон маълумотномаси). Натижада пост-COVID-19 профилактикасида қандли диабет, гипергликемия, метаболик синдром ҳолатларининг учрашини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 94 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертациянинг «**COVID-19 пандемия шароитида организм фаолиятига оид замонавий физиологик тадқиқотлар**» деб номланган биринчи бобида SARS-CoV-2 вируси этиологияси ва биологияси, COVID-19 нинг организмда ривожланиш патогенези ва физиологияси, Коронавирус касаллигининг ренин-ангиотензин-альдостерон тизимида таъсир механизми, ACE2 физиологияси, COVID-19 да ACE2 экспрессияси ва органлардаги жойлашуви, ACE2 ва SARS-CoV-2 ўртасидаги ўзаро муносабат COVID-19 ва гемостаз тизим ишининг бузилиши, COVID-19га чалинган организмларнинг тикланиш даврида кардиореспиратор ва кардиоваскуляр тизими физиологияси, шунингдек COVID-19 ва моддалар алмашинувини регулятор генлари тавсифига оид энг сўнгги адабиёт маълумотлари берилган.


Диссертациянинг «**COVID-19 дан тузалган организмлар тикланиш даврида клиник-биокимёвий, молекуляр ва физиологик кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш методлари**» деб номланган иккинчи бобида Тадқиқотларни ташкил этиш ва изланиш материалларининг умумий тафсилоти, COVID-19 дан тузалган аҳоли саломатлиги физиологик тикланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун сўровнома ташкил этиш, қоннинг умумий ва биокимёвий кўрсаткичларини аниқлаш, лейкоцитларни миқдорини аниқлаш, тромбоцитларни ҳисоблаш усули, тана вазн индексини аниқлаш, гемодинамик кўрсаткичларини аниқлаш усуллари, биоимпедансометрик анализ усуллари, асосий алмашинувни нормадан оғишлик катталигини Рид формуласи ёрдамида аниқлаш, қондан ДНКни ажратиш, реал вақт режимда полимер занжир реакция (ПЗР) таҳлилни ўтказиш, натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган.

Тадқиқот предмети сифатида COVID-19 чалиниб тузалган инсонлар танланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 мартдаги № 8-8-10/396 кўрсатма хатига асосан коронавирусдан кейинги организм фаолияти тикланиш даврининг физиологик хусусиятлари, гемодинамик кўрсаткичларига оид диссертация мавзусига доир бирламчи маълумотлар олинган.


Диссертациянинг «COVID-19дан кейин организмлар физиологик фаолиятининг тикланиш даврида клиник-биокимёвий, молекуляр генетик ва физиологик кўрсаткичлар динамикаси таҳлили» деб номланган учинчи бобда сўровнома методи ёрдамида олинган COVID-19 дан тузалган аҳоли саломатлиги таҳлили, COVID-19 дан кейинги даврда клиник белги-хусусиятлари таҳлили, COVID-19 дан кейинги даврда гематологик кўрсаткичлар таҳлили, COVID-19 дан тикланиш даврида моддалар алмашинувига оид қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари таҳлили, қонда қанд миқдорининг тана вазн индекси билан корреляцияси, COVID-19 дан тикланиш даврида биоимпедансометрик кўрсаткичлар таҳлили ва COVID-19 дан кейинги даврда ADRB2 ва FABP2 регулятор генларидаги полиморфизмлар таҳлилларида мавжуд ҳолатлар аниқланди.

COVID-19 дан кейинги даврда клиник белги-хусусиятлари таҳлилини амалга ошириш учун тадқиқот иштирокчилари 4 та текширув ва 2 та назорат гуруҳига бўлинди. 1-гуруҳ учун COVID-19 оғир ўтказган, касалланиб тузалганига 2-3 ой бўлган, 40 ёшдан ошмаган, ихтиёрий розилик асосида, сурункали касалликлари бўлмаган инсонлар танлаб олинди ($n = 25$). 2-гуруҳ учун COVID-19нинг ўрта оғир ва оғир бўлмаган формаларини ўтказган, касалланиб тузалганига 2-3 ой бўлган, 40 ёшдан ошмаган, ихтиёрий розилик асосида, уларда ҳам сурункали касалликлари бўлмаган инсонлар танлаб олинди ($n = 25$). Назорат 2 гуруҳи учун COVID-19 билан касалланмаган, 41-55 ёшдан ошмаган соғлом одамлар, ($n=12$). 3-гуруҳ учун COVID-19 оғир ўтказган, касалланиб тузалганига 2-3 ой бўлган, 41-55 ёшдан ошмаган, ихтиёрий розилик асосида, сурункали касалликлари бўлмаган инсонлар танлаб олинди ($n = 25$). 4-гуруҳ учун COVID-19нинг ўрта оғир ва оғир бўлмаган формаларини ўтказган, касалланиб тузалганига 2-3 ой бўлган, 41-55 ёшдан ошмаган, ихтиёрий розилик асосида, уларда ҳам сурункали касалликлари бўлмаган инсонлар танлаб олинди ($n = 25$). Гуруҳларда сўровнома ва стандарт усуллар асосида қуйидагилар аниқланди: 1 гуруҳда биринчи назорат гуруҳга нисбатан ЮҚЧ 12%, НЧ 12%, САБ 10% га юқори натижа берди. COVID-19нинг оғир бўлмаган формасини ўтказганларда эса ЮҚЧ 11 %, САБ 9 % га ошганлиги маълум бўлди. Касаллик давридаги кислород етишмовчилиги оқибатларини тиклаш натижаси деб тахмин қилинди.

COVID-19 ва ундан кейинги даврда гематологик кўрсаткичлар таҳлил қилинганда Ўртача ёш $36,64 \pm 2,13$ ни ташкил этадиган 30-40 ёшли иштирокчиларнинг гуруҳида лейкоцитлар миқдори касаллик даврида оғир формадагиларда 26% га ошганлиги (1-расм), ўртача ёш $46,1 \pm 1,87$ иккинчи катта гуруҳда лейкоцитлар касалликдан тузалгандан сўнг биринчи гуруҳда 19,2%га, иккинчи гуруҳда 19,7% га, моноцитлар миқдори касаллик давридагига нисбатан 4,0 марта ошгани ошганлиги аниқланди (2-расм).



1-расм. Лейкоцитларнинг тикланиш даврида таҳлили (M±m) (ўлчов бирлик -ммоль/л; *- P<0,05; **-P<0,01; *-P<0,001).**



2-расм. Лимфоцит ва моноцитларнинг тикланиш даврида таҳлили (M±m) (ўлчов бирлик -ммоль/л; *- P<0,05; **-P<0,01; *-P<0,001).**


Эозинофилларда эса кучсиз эозинопения кузатилиб уларнинг миқдори касаллик даврида биринчи ва иккинчи гуруҳларда мос равишда $0,017 \pm 0,01 \times 10^9$ хуж/л ($P < 0,01$) ва $0,021 \pm 0,03 \times 10^9$ хуж/л ($P < 0,01$) бўлди. Касалликдан кейинги динамикада эозинофиллар миқдоридаги ошиш кузатилиб, 4- ҳафтада $0,09 \pm 0,04 \times 10^9$ хуж/л ($P < 0,05$), $0,20 \pm 0,11 \times 10^9$ хуж/л ($P < 0,05$) ни ташкил этди. Касаллик оғир ўтказганларда енгил эозинопения ҳолати кузатилди (1-жадвал).

COVID-19 дан тикланиш даврида моддалар алмашинувига оид қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари тадқиқ қилинганда Биринчи катта гуруҳдаги касалликни оғир ўтказган 1-гуруҳда глюкоза COVID-19 даврида назоратга нисбатан 1,6 марта, 2-гуруҳда 1,4 марта ошганлиги, касалликдан кейин қонда қанд миқдори сезиларли 10 %га ошгани аниқланди (3-расм).

**COVID-19 ва ундан кейинги даврда гематологик кўрсаткичлар таҳлили
(ўртача $36,64 \pm 2,13$ ёш) ($M \pm m$)**


Ўлчов бирлиги $\times 10^9$ хуж/л		1-гурух (n = 25) Оғир форма	2-гурух (n = 25) Оғир бўлмаган форма	Назорат 1. соғлом (n = 12)
Эозинофил	COVID-19 да	$0,017 \pm 0,01^{**}$	$0,021 \pm 0,03^*$	$0,27 \pm 0,01$
	COVID-19 дан кейин	$0,09 \pm 0,001^*$	$0,20 \pm 0,001^*$	
Базофил	COVID-19 да	$0,062 \pm 0,002^{**}$	$0,087 \pm 0,007^{**}$	$0,057 \pm 0,008$
	COVID-19 дан кейин	$0,02 \pm 0,004^*$	$0,062 \pm 0,016^*$	
Тромбоцит	COVID-19 да	$208,1 \pm 76,5$	$262,6 \pm 64,2$	$352,7 \pm 12,4$
	COVID-19 дан кейин	$332,5 \pm 23,4$	$345,8 \pm 38,8$	

Изоҳ: - $P < 0,05$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,001$




**3-расм. Глюкозанинг тикланиш даврида таҳлили
(ўлчов бирлик -ммоль/л; * - $P < 0,05$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,001$).**

Умумий холестерин миқдори касаллик даврида биринчи ва иккинчи гуруҳда мос равишда $5,01 \pm 0,87$ ммоль/л ($P < 0,05$) ва $4,12 \pm 0,13$ ($P < 0,001$) бўлиб, касалликдан кейин $5,32 \pm 0,21$ ммоль/л ($P < 0,05$) ва $3,26 \pm 0,34$ ммоль/л ($P < 0,001$) экан. Оғир бўлмаган формани ўтказганларда кўрсаткич нормага тушганлиги, лекин оғир ўтказганларда назоратга нисбатан 1,6 марта юқори эканлиги аниқланди (4-расм).



4-расм. Умумий холестериннинг тикланиш даврида таҳлили
(ўлчов бирлик - ммоль/л; *- P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001).


Бирикма ҳолидаги липопротеинлар ҳам таҳлил қилинди. Организм учун фойдали пластик элемент бўлаган юқори зичликдаги липопротеинлар - ХС ЮЗЛП биринчи гуруҳда касаллик даврида $1,12 \pm 0,018$ ммоль/л ($P < 0,01$) ва касалликдан кейин $1,03 \pm 0,032$ ммоль/л ($P < 0,01$) эканлиги маълум бўлди фойдали липопротеинлар критик даражагача пасайиб назоратга нисбатан 1,5 марта камайгани маълум бўлди.



5-расм. Қондаги ХС ЮЗЛП миқдори таҳлили (M±m)
(ўлчов бирлик - ммоль/л; *- P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001).

Иккинчи гуруҳда нисбатан тесқари тенденция кузатилиб, касалликдан олдин ва кейин $1,31 \pm 0,021$ ммоль/л ($P < 0,05$) ва $1,40 \pm 0,054$ ммоль/л ($P < 0,01$) экан. Кўрсаткич назоратдан паст лекин норма даражасида динамикада тикланипти (5-расм.)

Организм фаолияти учун зарарли паст зичликдаги липопротеинлар - ХС ПЗЛП касалликда биринчи ва иккинчи гуруҳда $3,58 \pm 0,24$ ммоль/л ($P < 0,01$) ва $2,92 \pm 0,12$ ммоль/л ($P < 0,01$), касалликдан кейин эса мос равишда биринчи ва иккинчи гуруҳда $4,01 \pm 0,03$ ммоль/л ($P < 0,01$) ва $3,31 \pm 0,04$ ммоль/л ($P < 0,01$) экан. Назоратга нисбатан 1,6 ва 1,4 мартага ошгангани аниқланди (6-расм).



6-расм. Қондаги ХС ПЗЛП миқдори таҳлили (M±m)
(ўлчов бирлик - ммоль/л; *- $P < 0,05$; **- $P < 0,01$; ***- $P < 0,001$).

Қонда қанд миқдорининг тана вазн индекси билан корреляцияси кўрилганда Тана масса индекси ҳамда қондаги қанд миқдори ўртасидаги ўзаро функционал муносабат олинган пирсон корреляция коэффицентларига кўра биринчи (ТВИ $15,5 \text{ кг/м}^2$) ва тўртинчи (ТВИ $26,09 \text{ кг/м}^2$) гуруҳда тескари боғланиш мавжуд эканлиги аниқланди. Шунингдек, иккинчи (ТВИ $18,08 \text{ кг/м}^2$) ва учинчи (ТВИ $23,20 \text{ кг/м}^2$) гуруҳларда қанд миқдори $5,88$ ммоль/литр ва $6,06$ ммоль/литр бўлиб улардаги қуйидаги $r_2 = 0,64$, $r_3 = 0,78$ ни ташкил этди, $\pm 0,5 < r < \pm 0,8$ бўлганлиги сабабли 2-3-гуруҳларда ўрта даражадаги функционал боғланиш мавжуд эканлигини аниқланди (2-жадвал).

Иккинчи катта гуруҳда ТВИ ва қонда қанд миқдори ўртасида муносабатни баҳолаш бўйича қуйидаги натижалар олинди: 1-гуруҳ ($n=5$) $5,24 \pm 0,18$ ммоль/литр ($P < 0,01$) норма даражасида, иккинчи гуруҳда $6,61 \pm 0,32$ ммоль/литр ($P < 0,01$), учинчи гуруҳда $5,76 \pm 0,55$ ммоль/литр ($P < 0,05$), биринчи ва учинчи гуруҳларда нормадан ошмаган, иккинчи гуруҳда назорат гуруҳга нисбатан 30 % баланд лекин шу билан бирга умумий нормадан 7,7% юқори бўлди.

Пирсон корреляция коэффиценти иккинчи ва учинчи гуруҳда манфий тескари боғланишни кўрсатди. ТВИ $27,37 \pm 0,84 \text{ кг/м}^2$ бўлган тўртинчи гуруҳда тана масса индекси қолган гуруҳлардан юқори бўлиб, қанд миқдори $6,05 \pm 0,47$ ммоль/литр эканлиги ($P < 0,01$) маълум бўлди.

2-жадвал.

Биринчи катта гуруҳда ТВИ ва қонда қанд миқдори ўртасида муносабат $M \pm m$ (ўртача ёш $36,64 \pm 2,13$)

Гуруҳ	ТВИ кг/м ²	Қондаги қанд миқдори (наҳорги) (ммоль/литр)	Пирсон корреляция коэффициенти (r)
Назорат1 (n=5)	25,02±0,58	4,51±0,53	-
1-гуруҳ (n=5)	15,50±0,64**	5,16±0,51*	-0,88
2-гуруҳ (n=8)	18,08±0,43**	5,88±0,72**	0,64
3-гуруҳ (n=10)	23,20±1,11	6,06±0,55*	0,78
4-гуруҳ (n=10)	26,09±0,92*	5,65±0,62**	-0,05
5-гуруҳ (n=10)	33,64±0,97*	7,04±0,61**	0,91
6-гуруҳ (n=7)	40,69±0,71**	7,50±0,45***	0,89

Изоҳ: * - P<0,05; ** - P<0,01; *** - P<0,001

ТВИ юқори семизлик 2-3 босқичлари кузатилган бешинчи ва олтинчи гуруҳда тегишли равишда $6,87 \pm 0,54$ ммоль/литр (P<0,01) ва $7,54 \pm 0,12$ ммоль/литр (P<0,001), улардаги ТВИ эса $33,64 \pm 0,81$ кг/м² (P<0,05;) ва $41,01 \pm 0,42$ кг/м² (P<0,01) эканлиги аниқланди. Ўртача ёш $46,1 \pm 1,87$ ни ташкил қилган иккинчи катта гуруҳнинг бешинчи гуруҳида қонда қанд миқдори назорат гуруҳга нисбатан 35 % юқори, олтинчи гуруҳда эса 41 % га юқори натижа кўрсатди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.

Иккинчи катта гуруҳда ТВИ ва қонда қанд миқдори ўртасида муносабат $M \pm m$ (ўртача ёш $46,1 \pm 1,87$)

Гуруҳ	ТВИ кг/м ²	Қондаги қанд миқдори (наҳорги) (ммоль/литр)	Пирсон корреляция коэффициенти (r)
Назорат1 (n=5)	25,17±0,13	4,47±0,34	-
1-гуруҳ (n=5)	15,70±0,32**	5,24±0,18**	0,68
2-гуруҳ (n=7)	18,21±0,27**	6,61±0,32**	-0,68
3-гуруҳ (n=11)	24,43±0,64*	5,76±0,55*	0,74
4-гуруҳ (n=9)	27,37±0,84*	6,05±0,47**	-0,05
5-гуруҳ (n=10)	33,64±0,81*	6,87±0,54**	0,87
6-гуруҳ (n=8)	41,01±0,42**	7,54±0,12***	0,94

Изоҳ: * - P<0,05; ** - P<0,01; *** - P<0,001

Қўйилган гипотеза: пост-COVID-19 – касалликдан кейинги ИОФФда тана масса индекси ошиши билан қондаги қанд миқдори тўғри пропорционал ошиб боради деган тахминга пирсон корреляция коэффициентлари ($\pm 0,8 < r < \pm 1$ кучли боғланиш) $r_5 = 0,91$, $r_6 = 0,89$ орқали бешинчи (ТВИ $33,34$

кг/м²) ва олтинчи (ТВИ 40,69 кг/м²) гуруҳларда ўз исботини топди. Хулоса қилишимиз мумкинки, post-COVID-19 – касалликдан кейинги ИОФФда семизликнинг иккинчи ва учинчи босқичларида тана масса индекси ҳисобига қондаги қанд миқдори нормадан юқори бўлиши яъни, гиперглекимия ҳолати кузатилди.

COVID-19 дан тикланиш даврида биоимпаденсометрик кўрсаткичлараниқланди. Танадаги умумий липид миқдори биринчи гуруҳда 29,4±1,08 %ни (P<0,05) ва 27,3±0,72 % (P<0,01) ни ташкил этди. Учинчи гуруҳ ва тўртинчи гуруҳда 27,5±0,32 % (P<0,01) ва 22,8±0,64 % (P<0,01) бўлиб назорат гуруҳига нисбатан биринчи гуруҳда 1,4 марта иккинчи гуруҳда 1,3 марта, учинчи гуруҳда 1,2 марта, тўртинчи гуруҳда эса деярли назорат билан бир хил натижа олинди (4-жадвал).

4-жадвал.

Тикланиш даврида биоимпаденс кўрсаткичлар таҳлили (M±m)

Гуруҳ	Сув миқдори %	Танада умумий липид %	Висцерал ёғ миқдори %
Назорат 1 соғлом (n = 12)	66,4±1,32	20,5±0,20	5,6±0,37
1-гуруҳ (n = 25)	58,2±1,08*	29,4±1,08*	13,2±2,42
2-гуруҳ (n = 25)	64,1±1,43*	27,3±0,72**	9,1±2,31
Назорат 2. Соғлом (n = 12)	65,2±0,97	22,1±1,13	4,2±0,46
3-гуруҳ (n = 25)	56,7±0,54**	27,5±0,32*	12,1±1,42
4-гуруҳ (n = 25)	60,7±1,17*	22,8±0,64**	6,4±0,87

Изоҳ: *- P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001

Асосий моддалар алмашинуви 1-гуруҳда 1860±1,04 Ккални (P<0,05) ташкил этди, оғир бўлмаган формадаги касалликни ўтказган иккинчи гуруҳда эса 1722±0,67 (P<0,05) Ккал экан. Оғир форма ўтказганларда базал метаболизм кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 10,85%, иккинчи гуруҳда 3,7 % баланд эканлиги маълум бўлди. 3-гуруҳда 1875±0,86 Ккални (P<0,05) ташкил этди, оғир бўлмаган формадаги касалликни ўтказган тўртинчи гуруҳда эса 1780±0,51 (P<0,05) Ккал экан. Учинчи ва тўртинчи гуруҳларда базал метаболизм кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 11%, иккинчи гуруҳда 6,2 % баланд эканлиги аниқланди (5-жадвал).

Бунинг асосий механизми йиғилган сут кислотаси кўшимча кислород истеъмоли билан қисман оксидланади. Гиперкапния, шунингдек, нафас олишни кўзғатади ва базал метаболизмнинг кучайиши билан юрак фаолиятини оширади. Тикланиш даврида шу жараёнлар содир бўлгани туфайли тез чаршаш, умумий ҳолсизлик кузатилган гуруҳларда оғиш даражаси юқори - 18,5±0,12 % (P<0,01) % эканлиги таҳлил қилинди.

5-жадвал.

Тикланиш даврида моддалар алмашинуви кўрсаткичлар таҳлили (M±m)

Гуруҳ	Асосий моддалар алмашинуви (ККал)	Асосий моддалар алмашинуви оғиш кўрсаткичи (%)	Умумий метаболизм (Кж)
Назорат 1 соғлом (n = 12)	1658±0,84	7,5±0,01	7142±6,27
1-гуруҳ (n = 25)	1860±1,04*	17,5±0,05***	8735±8,01
2-гуруҳ (n = 25)	1722±0,67*	12,5±0,04***	7205±7,48
Назорат 2. соғлом (n = 12)	1670±0,52	7,5±0,01	7232±2,01
3-гуруҳ (n = 25)	1875±0,86*	18,5±0,12**	8230±8,01
4-гуруҳ (n = 25)	1780±0,51*	12,5±0,65*	7125±7,48

Изоҳ: *- P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001

Метаболизм жараёнида, айниқса липидлар ва углеводлар алмашинувидаги кўрсаткичлардаги ўзгаришлар чуқурроқ регулятив механизмлари даражасида тадқиқот олиб боришни талаб қилганлиги туфайли, моддалар алмашинувининг маркер генлари ADRB2 (глюкоза, липолиз, гипертензияга жавоб берувчи) ва FABP2 (липид транспорти) генидаги полиморфизм ўрганилди.

ADRB2 генидаги Arg16Gly полиморфизми таҳлил қилинганда COVID-19 дан тикланиш гуруҳи бўлган асосий гуруҳда (n=92) Arg / Arg норма генотиплилар 11 та, 11,97%, Arg / Gly гетерозигота генотипи 37 та, 40,21 %, Gly/Gly полиморфизм мутацияли генотиплилар 44 та 47,82 %ни ташкил этди ($\chi^2=3,84$; P<0,05, Df=1). Gly/Gly полиморфизм мутацияли генотиплилар назорат норма гуруҳига нисбатан 3,6 марта кўп эканлиги аниқланди (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

ADRB2 генидаги Arg16Gly полиморфизмининг бемор ва назорат гуруҳлар орасидаги тарқалиш частотасини таҳлили

№	Гуруҳ	Алел частотаси				Генотип тарқалиш частотаси					
		Arg		Gly		Arg / Arg норма		Arg / Gly гетерозигота		Gly / Gly мутация	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ COVID-19 дан тикланиш гуруҳи n=92	59	32,1	125	67,9	11	12,0	37	40,2	44	47,8
a	пост COVID-19 синдром n=53	23	21,7	83	78,3	5	9,4	13	24,5	35	66,0
b	Асоратсиз COVID-19 n=39	36	46,1	42	53,8	6	15,3	24	61,5	9	23,0
2	Назорат гуруҳи n=96	66	35,1	122	64,9	9	9,6	48	51,1	39	39,4

Хужайра ичидаги ёғ кислотасини боғлайдиган, узун занжирли ёғ кислоталарини қабул қилиш, хужайра ичидаги метаболизм ва ташишда регулятор ген - FABP2 генида РТ ПЗР натижаларига кўра Ala54Thr полиморфизми таҳлил қилинганда COVID-19 дан тикланиш гуруҳи бўлган асосий гуруҳда (n=92) Ala / Ala норма генотиплилар 54та, 58,69%, Ala / Thr гетерозигота генотипи 30 та, 32,62 %, Thr/Thr полиморфизм мутацияли генотиплилар 8 та 8,69 %ни ташкил этди ($\chi^2=3,84$; $P<0,05$, $Df=1$).

7-жадвал

FABP2 генидаги Ala54Thr полиморфизмининг таҳлили

№	Гуруҳ	Алел частотаси				Генотип тарқалиш частотаси					
		Ala		Thr		Ala/ Ala норма		Ala / Thr гетерозигота		Thr/Thr мутация	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ COVID-19 дан тикланиш гуруҳи n=92	138	75,0	46	25,0	54	58,7	30	32,6	8	8,7
a	пост COVID-19 синдром n=53	74	70,1	32	29,9	26	49,0	22	41,5	5	9,4
б	Асоратсиз COVID-19 n=39	64	81,9	14	18,1	28	71,7	8	20,5	3	7,6
2	Назорат гуруҳи n=94	150	79,8	38	20,2	61	64,9	28	29,8	5	5,3

Ala/Thr полиморфизм мутацияли генотиплилар назорат норма гуруҳига нисбатан деярли нормада 2,69% кўп эканлиги аниқланди. (5-жадвалга қаранг). Ушбу натижага кўра COVID-19 дан кейин FABP2 генида полиморфизм популяцияда мавжуд даражасидан юқори эмаслиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. COVID-19 дан кейинги даврда клиник белгилар, хусусиятлар, шикоятлар таҳлил қилинди ёш ўртасида (n=100) 27 % аёллар, 23 % эркекларда сўровномада тикланиш даврида муаммолар борлиги аниқланди.

2. COVID-19 ва ундан кейинги даврда гематологик кўрсаткичлар таҳлилида COVID-19 да лейкоцитопения, тузалгандан кейин эса лейкоцитлар ўртача 26% га ошгани, моноцитлар миқдори касаллик давридагига нисбатан 4,0 марта ошгани, касалликдан кейин эозинопения аниқланди;

3. COVID-19 дан тикланиш даврида касалликдан кейин қонда қанд миқдори 10 %га ошгани, паст зичликдаги липопротеинлар - ХС ПЗЛП назоратга нисбатан 1,6 мартага ошгангани, оғир формадаги касаллик ўтказганларда юқори зичликдаги липопротеинлар - ХС ЮЗЛП назоратга нисбатан 1,5 марта камайгани аниқланди ва COVID-19 ўтказган ТВИ >30 кг/м² одамларда қонда қанд миқдори пропорционал ошиши исботланди;

4. COVID-19 дан тикланиш даврида оғир ўтказганларда умумий липид ва висцерал ёғ миқдори 1,4 марта ошгани, улардаги асосий моддалар алмашинуви оғиш даражаси 18,5% га ошгани исботланди;

5. COVID-19 дан кейинги даврда ADRB2 регулятор генидаги Arg16Gly полиморфизми Gly/Gly полиморфизм мутацияли генотиплилар 47,82 %, назорат норма гуруҳига нисбатан 3,6 марта кўп эканлиги ($\chi^2=3,84$; $P<0,05$, $Df=1$) исботланди;

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ
ШАРОФА РАШИДОВА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АХМЕДОВА ГУЛСАРА БАХОДИР КИЗИ

**ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ В ПЕРИОД
ВОССТАНОВЛЕНИЯ ОРГАНИЗМА ПОСЛЕ COVID-19**

03.00.08 – Физиология человека и животных

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2022.3.PhD/553.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Зарипов Бакридин доктор биологических наук, академик
Официальные оппоненты:	Курбонов Шониёз Курбонович доктор биологических наук, профессор Атабеков Нурмат Сатиниязович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2023 года в __ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском Государственном Университете имени Шарофа Рашидова (Адрес: г.Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, конференц-зал Самаркандкого Государственного Университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова (зарегистрировано под № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2023 г.
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2023).

З.Т. Ражамуродов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

М.С. Кузиев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD

Х.К. Хайдаров

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотации диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день острые респираторные заболевания не утратили своей актуальности в условиях пандемии, вызванной COVID-19 в мире, и занимают первое место среди всех заболеваний в структуре инфекционной патологии. В 2019-2022 годах коронавирус был диагностирован в общей сложности у 628 миллионов пациентов в 221 стран мира, из них 6,58 миллиона умерли. В Узбекистане коронавирус диагностирован в общем у 244 тысячи пациентов, 1637 из них скончались¹. Учитывая широкое распространение COVID-19 по всему миру, изучение динамики физиологических показателей организма после выздоровления от болезни является одной из актуальных проблем физиологической науки. Соответственно, важное значение имеет комплексное исследование этиологии, физиологии, клинко-физиологических особенностей коронавируса в регионах, значение процессов при восстановлении от него.

В мире проводятся научные исследования патогенеза вируса SARS CoV-2, в связи с пандемией, вызванной COVID-19, его этиологии, влияния на нормальную физиологическую активность людей, различных штаммов вируса, проблемы вакцинации, а также профилактика различных осложнений в процессе выздоровления после перенесенного заболевания. В связи с этим особое внимание уделяется анализу клинко-биохимических и физиологических показателей деятельности организма в период выздоровления после COVID-19, анализу их самочувствия, выявлению отклонений в показателях жизненно важных органов, и принятию мер по их устранению.

В нашей республике особое внимание уделяются в целях эффективной борьбы с заболеванием определению динамики клинко-биохимических и физиологических показателей в зависимости от возраста и пола в период профилактики, восстановлению жизнедеятельности организма после заболевания, оценке их по показателям кардиореспираторной системы, анализу функциональной деятельности сердечнососудистой системы, профилактике заболевания и проведению профилактических мероприятий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² определена задача по «Укреплению здоровья населения, улучшению здоровья». Исходя из этих задач, определение изменений клинческих, биохимических и физиологических показателей деятельности организма в период выздоровления после COVID-19, изучение динамики в зависимости от возраста и пола имеет большое научное и практическое значение.

¹ <https://ourworldindata.org/coronavirus-data> (07.12.2022 й.)

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7.февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит для реализации поставленных задач, указанных в Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указ Президента Республики Узбекистан №РQ-1652 от 28 ноября 2011 года «О мерах по углублению реформирования системы здравоохранения», Распоряжение Президента Республики Узбекистан от 29 января 2020 года № Ф-5537 «О подготовке программы мероприятий по предупреждению заноса и распространения коронавирусной болезни в Республике Узбекистан»³ и других нормативных правовых документов, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики – VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Информация о патогенезе и этиологии COVID-19, о многих физиологических состояниях, кровяном давлении, сосудистом тонусе, электролитном балансе, важных жизненных системах, т. е. функциях почек, сердца, головного мозга и других органов, адаптивных функциях при различных изменяющихся условиях приведена в работах Чжао Ю. (2020), Wiersinga WJ (2020), Huang X. (2020), Han H, Yang L, Liu R. (2020), Goshua G, Pine AB, Meizlish ML, Chang CH, Zhang H. (2020), Дани М. (2021), Аль-Джахдхами И., Аль-Наамани К., Аль-Мавали А. (2021) и в работах других зарубежных ученых.

